



Analysis of the legal framework for the activities of local public authorities in the field of crime prevention

Faxriddin MENGLIEV¹

Internal Affairs Directorate of the Surkhandarya Region

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2021

Received in revised form

15 January 2021

Accepted 20 January 2021

Available online

10 February 2021

ABSTRACT

The article is devoted to the legal basis of the activities of local public authorities in the field of crime prevention. In particular, in the documents established by the Constitution, laws and by-laws of the Republic of Uzbekistan, the author sets out the legal basis for the activities of state authorities in the field of crime prevention.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

Local public authorities

Crime prevention

Legal framework

Constitution

Law

By-laws.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишиланган. Хусусан, муаллиф Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил этган.

Калит сўзлар:
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
Ҳуқуқий асос
Конституция
Қонун
Қонуности ҳужжатлари.

¹ Deputy Head of the Internal Affairs Directorate of the Surkhandarya Region, Surkhandarya, Uzbekistan

Анализ правовых основ деятельности органов государственной власти на местах в области Профилактики правонарушений

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Органы государственной власти на местах
Профилактика правонарушений
Правовая основа Конституция
Закон
Подзаконные акты

Данная статья посвящена правовым основам деятельности органов государственной власти на местах в области Профилактики правонарушений. В частности, в документах, установленных Конституцией, законами и подзаконными актами Республики Узбекистан, автором изложены правовые основы деятельности органов государственной власти на местах в сфере Профилактики правонарушений.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ташкил этилган ва фаолият юритадиган маҳаллий вакиллик органлари (халқ депутатлари кенгашлари) ҳамда маҳаллий ижроия органлари (ҳокимликлар)дан иборат давлат органи ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз худудида универсал ҳуқуқ соҳиби ҳисобланади. Жумладан, уларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятинининг ҳуқуқий тартибга солинишини турли рақурслардан кўриб чиқиш мумкин ва шу билан бирга таҳлиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги фаолияти тарқоқ тартибга солингланлигининг гувоҳи бўлиш мумкин [4].

Юридик кучига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қўйидаги кетма-кетлиқда кўриб чиқиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг белгилаб қўйилиши билан бирга уларнинг ваколатлари ҳам назарда тутилган. Хусусан, асосий қонуннинг 100-моддасида қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маҳаллий ҳокимият органларининг асосий ваколатлари қаторига киритилган [5].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишида гарчан ўзаро дилектик алоқадорликда бўлмасада бир қатор қонунлар қабул қилингандигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бу борада аввало Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунини келтириш лозим. Хусусан, ушбу қонуннинг ҳокимнинг ваколатларини назарта тутувчи 25-моддасида ҳокимларнинг жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриши, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этишлари белгиланган [6].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг қонунлар даражасида ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида гап кетганда бу борада умумий нормалар белгиланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, маҳаллий

давлат ҳокимияти органларининг таркибий қисми бўлган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият (ҳокимликлар) ва маҳаллий давлат вакиллик органлари (халқ депутатлари кенгашлари)нинг бу борадаги айнан ваколатлари алоҳида кўрсатилмаган. Ҳукуқтариботнинг тегишли соҳаларига оид қонунларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари (иштироки) тегишлича «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари» ёки «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иштироки» шаклида ифодаланган. Буни Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонунларда кўриш мумкин:

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун [7] (24-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳукуқларининг ҳимоя қилиниши белгиланган);

2000 йил 26 майда қабул қилинган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонун [8] (10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари);

2000 йил 15 декабря қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун [9] (6-моддасида давлат бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар қаторида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашишлари ва зарур ёрдам беришлари белгиланган);

2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун [10] (9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари);

2013 йил 27 декабря қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун [11] (12-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари);

2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун [12]. (8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари);

2015 йил 26 августда қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун [13] (7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари);

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун [14] (8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари);

2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун [15] (10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари);

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун [16] (7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари);

2019 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тұғрисида»ги қонун [17] (14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари).

Шу билан бирга юқоридаги қонунларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли ваколатлари тегишли моддаларнинг нормаларида умумий мазмунда баён этилган бўлиб, биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг имкониятларини тўлиқ ифодалмайди, иккинчидан эса, ушбу нормаларни тўғридан-тўғри амалга оширишнинг имкони мавжуд эмас. Бунинг учун тегишли қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниши лозим.

Шунингдек, таҳлиллар ҳуқуқ-тартибот соҳасига оид яна бир қатор қонунларида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ёки иштироки умуман белгиланмаганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 2018 йил 30 июлда қабул қилинган «Экстремизмга қарши курашиш тұғрисида»ги [18] ҳамда 2020 йил 17 августда қабул қилинган (янги таҳрирдаги) «Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида»ги [19] қонунларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига оид нормалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, мазкур қонунлар билан тартибга солиниши назарда тутилган ижтимоий муносабатларда асосий субъектлардан бири сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг муҳим жиҳатларини белгилаб беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Қарори [20] билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди ва бу борада улар фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тұғрисидаги низом тасдиқланди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссияларига туман (шаҳар), вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси раислик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида»ги қарори [21] маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг муҳим жиҳатларини белгилаб берди.

Унга кўра қўйидаги тартиблар ўрнатилди:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳар куни: тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишади ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратади; тегишли ҳудудда содир этилган, биринчи навбатда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаштиради ҳамда масъул ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўради; ҳуқуққа хилоф ҳолатларбўйича ўзвақтида таъсир чораларини кўриш ва уларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва

муассасаларни жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкилэтиш борасида таъсиран чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади;

б) ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг мажлисларида ҳисобот даври якунига кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлаш натижаларининг таҳлили асосида қўйидагилар танқидий муҳокама қилинади: тегишли ҳудудда содир этилган оғир ва ўтағир турдаги жиноий ҳолатлар; жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясига киритишни белгиланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳволи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўtkазиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида эса оммавий тадбирларни ўtkазиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган [22].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги «Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 450-сонли қарорида Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш юзасидан Жиззах вилояти ҳокимлиги зиммасига бир қатор вазифалар юкланди. Масалан, вилоят ҳокимлигига вилоят Ички ишлар бошқармаси билан биргалиқда Жиззах шаҳрининг Заргарлик маҳалласи мисолида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан сектор таркибида фуқаролар йиғини ва ички ишлар бўлимнинг биргалиқдаги намунали ишини ташкил этиш ҳамда кейинчалик ижобий тажрибани республика доирасида оммалаштириш юзасидан таклифлар киритиш юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 486-сонли «Тошкент шаҳрининг чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори [23] билан тасдиқланган «Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янгича ёндашув асосида ташкил этиш чора-тадбирлари дастури»га асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги зиммасига мазкур туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 495-сонли «Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди [24]. Ушбу хужжатда Бухоро вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳаёт даражасини ошириш, муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш

ҳамда вилоятни ушбу йўналишда намунали ҳудудга айлантириш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартағи 128-сонли «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига [25] биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шахри ва вилоятлар ҳокимликлариға келгусида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларидан 50 метр масофада маъмурий, майший, хўжалик бино ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари ажратилишига, улар ижарага берилишига, шунингдек, баландлиги 6 метрдан юқори бўлган бино ва иншоотлар қурилишига йўл қўймаслиги тўғрисидаги қоида белгиланди. Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасалари тўғрисидаги низомга биноан Жазони ижро этиш муассасаларига озод этилаётган шахсларга ижтимоий-хукуқий ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший турмуш шароитларини яхшилаш масалалари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ижтимоий мослашув марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори [26] билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомга асосан ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ўз зиммасига юклangan асосий вазифаларга мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиқда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва реабилитация марказларига жойлаштирилган меҳнатга лаёқатли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 624-сон «Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва қўнгилочар обьектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига[27] биноан тегишли шартлар асосида 2019 йил 15 октябрдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари ва қўнгилочар обьектларининг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига рухсат берилди.

Шунингдек, ушбу қарор билан тунги вақтда фаолият юритаётган умумий овқатланиш корхоналари ва қўнгилочар обьектлари юқорида назарда тутилган шартларни бузса ёки уларнинг тунги фаолияти юзасидан жамоатчилик томонидан мунтазам равишда эътиrozлар билдирилса, уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш хукуқи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бекор қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги 701-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўtkазиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига[28] биноан ҳафтанинг ҳар жума куни «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни»да маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари,

фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фуқаролар билан йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилиш, шужумладан, йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир этиладиган худудларда ахоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулсаларга келиш мумкин:

биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаган ва яхлит ҳуқуқий институт ҳисобланмайди;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти тўлиқ ҳуқуқий асослари белгиловчи нормалар ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд эмас, яъни бу борадаги муносабатлар тарқоқ тартига солинган;

учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини таъминлашнинг яхлит институционал асослари маҳсус таркибий тузилмалар ва шатат бирликлари мавжуд эмас. Бошқача қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маълум ваколат, вазифа ҳамда мажбуриятлари бор, аммо уларни аамалга оширувчи аниқ субъектлар йўқ;

тўртингидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш хаос шаклда.

Бизнинг фикримизча, аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш лозим. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги асосийфаолият йўналишлари, вазифалари, функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб қўйиш зарур. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг институционал асослари такомиллаштириш лозим. Бу борада давлатимиз раҳбари парламентга мурожаатномасида ҳам “Маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим. Маҳаллий ҳокимлик ва кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни, ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислоҳотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур” деб, таъкидлаган эди [1].

Сўнгги тўрт йил давомида мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини объектив баҳолашга йўналтирилган жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди. “Қачонки, худудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади” [2]. Маҳаллий депутатлар ишининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари ва уни техниктехнологик жиҳатдан таъминлаш улар фаолияти самарадорлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади [3]. Бизнингфикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири сифатида тегишли худудда

хукуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни ҳам киритиш лозим.

Шундай қилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хукуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш борасидаги фаолиятини тубдат такомиллаштириш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 й. 29.01.).

2. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б.71.

3. *Исаилова З.С.* Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини таомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри. (PhD) дис. – Т., 2020 – Б. 3.

4. *Турсунов А.С., Примов Ф.А.* Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги атама ва ибораларнинг юридик изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 114.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси //
<https://www.lex.uz/acts/20596>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/112170>.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4704>.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/32994>.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Тероризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/29526>.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/1880029>.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2304953>.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2732587>.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни // <https://www.lex.uz/docs/3026246>.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Болаларни уларнинг соғлиғига заарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни // <https://www.lex.uz/docs/3333797>.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазийиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни // <https://www.lex.uz/docs/4494709>.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни // <https://www.lex.uz/docs/4506940>.

18. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлда қабул қилинган «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3841957>.

19. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда қабул қилинган (янги таҳрирдаги) «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4953314>.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3141186>.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/4124831>.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/2438871>.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 486-сонли «Тошкент шаҳрининг чилонзор туманида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/4372540>.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 495-сонли «Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали худудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/4377483>.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартағи 128-сонли «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4756536>.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3711913>.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 624-сон «Тунги вақтда фаолият юритувчи умуний овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/4439535>.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги 701-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи қарори // <https://lex.uz/docs/3888332>.